



МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Хидиров Фурқат Шукруллаевич

ИИВ Малака ошириш институти

Касбий махсус фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7532952>

ARTICLE INFO

Received: 02nd January 2023

Accepted: 11th January 2023

Online: 12th January 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид кўплаб Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, бу жараёни бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан кенг қамраб олганлигини кўриш мумкин. Айниқса, соҳани такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид, айниқса, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ҳисобланган профилактика инспекторларини лавозимга тайинлаш, уларнинг касбий билим ва малакаларини шакллантириш каби масалаларни камраб олган Президент фармон ва қарорларининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид кўплаб Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, бу жараёни бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан кенг қамраб олганлигини кўриш мумкин. Айниқса, соҳани такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид, айниқса, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ҳисобланган профилактика инспекторларини лавозимга тайинлаш, уларнинг касбий билим ва малакаларини шакллантириш каби масалаларни камраб олган Президент фармон ва қарорларининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, Э.Нарбутаев ва Г.Еттибаев эътироф этишларича, аини вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда халқаро миқёсда юз бераётган воқеалар ривожининг шиддатли таъсири, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва



жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда¹.

Юқоридаги масалалар юзасидан М.З.Зиёдуллаев “ИИО ТПлари фаолиятини ташкилий методик таъминлаш уларни бошқаришнинг таркибий қисми бўлиб, бу борадаги қонун ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлашга хизмат қилувчи бир қатор муҳим амалий жараёнларни қамраб олган. Унинг самараси эса, ўз навбатида, бир қатор субъектив ва объектив омилларга, жумладан ТПлари фаолиятининг моддий-техникавий ва кадрлар билан таъминланганлик даражасига боғлиқдир”², - деб бу жараёнларнинг нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб ўтган.

ЎЗР Президентининг “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон (16.08.2017 й.), “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон (29.11.2017 й.) қарорларининг қабул қилиниши ИИО ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тизимда кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш имконини берди³. ЎЗР Президентининг ПҚ-3413-сон (29.11.2017 й.) қарорида ИИОнинг хизматни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича фаолиятининг устувор йўналишлари, уни амалга ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифа ва чора-тадбирлар белгилаб берилди, шу жумладан Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва Ички ишлар органларининг интизом устави тасдиқланди. Мазкур Қарорлар ИИО ТПлари учун ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг хизматини ташкил этиш ва улар ўртасида хизмат интизомини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (10.04.2017 йил) ПФ-5005-сон фармонида кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар уларнинг зиммасидаги вазифаларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилаётгани таъкидланиб, республикамиз ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг ўнта энг муҳим йўналишлари белгиланди: Шу билан бирга, мазкур фармонда ички ишлар органлари фаолиятини ислоҳ этишга қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгиланди, жумладан, 2017 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

¹ Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.

² М.З.Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2019. 171 б.

³ Матлюбов Б.А. ИИБ Академиясида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди // Постда. – 2017. – 26 авг.



Сенати томонидан – бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан – ҳар чорақда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан – ҳар чорақда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари ҳамда ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳисоботларда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши⁴ муҳим аҳамият касб этиб айнан маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти билан бевосита боғлиқ эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (14.03.2017 йил) ПҚ-2833-сон қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги мавжуд муаммолар, жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакллари ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётгани; давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаётгани; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётгани, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш самарадорлиги пастлиги; ваколатли органлар етарли даражада ташаббус кўрсатмаётгани, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги сабабли давлат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб топилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди⁵. Қарорда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрель «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли фармон// hppt//.www.lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (14.03.2017 йил) ПҚ-2833-сон қарори// hppt//.www.lex.uz.



яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги (12.04.2017 йил) ПҚ-2883-сон қарори⁶га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомнинг янги таҳрири тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига белгиланган муддатда ўрта ва қуйи бўғинлар ўртасидаги вазифа ва функцияларнинг аниқ чегараланишини, шунингдек ходимларнинг функционал мажбуриятларини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомларини тасдиқлаш, шунингдек ички ишлар органларининг янгидан ташкил этилаётган бўлинмаларини ва киритилаётган лавозимларининг зарур билимга, амалий кўникмаларга, маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, қўйилган вазифаларни самарали бажаришга қодир малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклатилаётган янги вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ички ишлар органларининг ҳар бир ходими эътиборига етказишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаш вазифалари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (18.04.2017 йил) ПҚ-2896-сон қарори билан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди⁷. Хусусан: ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланган асосий йўналишлар белгилаб берилди. Улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар бериш тартиби жорий этилди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йилнинг 1 январига қадар профилактика инспекторларини ўзлари бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгиланган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда криминоген вазият, аҳоли сони ва

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2883-сон қарори// [hppt//.www.lex.uz](http://www.lex.uz).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрель “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2896-сон қарори. [hppt//.www.lex.uz](http://www.lex.uz).



худудларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тоифаланган ички ишлар органлари таянч пунктларининг янгиланган жойлашувини тасдиқлаши, шунингдек, янги барпо этилаётган ички ишлар органлари таянч пунктларини жойлаштириш ва жиҳозлаш масалалари ёритилган. Бундан ташқари, мазкур қарор билан “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида низом” тасдиқланган.

Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича ЎЗР ИИВ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси ҳисобланган асосий йўналишлари, ПИларини лавозимга тайинлашнинг янги тартиби, улар томонидан ФЎЎБОлари олдида ҳисобот бериш тартиби, ПИларини ўзи бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш, ИИО ТПларининг янгиланган жойлашувини тасдиқлаш, уларни замон талаблари асосида жиҳозлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди. Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомда ИИО ТПлари тушунчаси, мақсади ва таркиби, ТПнинг асосий вазифалари ва ПИлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлиги, ТПларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник таъминоти масалалари ҳуқуқий тартибга солинди⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (24.12.2018 йил) ПҚ-4075-сон [қарори](#)⁹га мувофиқ ҳудудий ИИВ-ИИББ-ИИБларда жамоат хавфсизлигини таъминлашни рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилди ҳамда эндиликда унинг маблағлари билан бириктирилган ҳудудда жиноятлар даражаси пасайган, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилган ҳолларда профилактика инспекторлари ва уларнинг ёрдамчиларини, қолаверса, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаолларининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган аъзолари моддий рағбатлантириб борилади. Бундан ташқари ушбу қарорга мувофиқ “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари лавозимларини тугатиб, уларга иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмларини сақлаб қолган ҳолда, бўшаётган штат бирликлари ҳисобидан профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари лавозимларини жорий этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февраль “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (18.02.2020 йил) ПФ-5938-сон фармони¹⁰ билан

⁸ Ички ишлар органлари тизимидаги тўб ислохотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати: Ўқув қўлланма / И. Исмаилов, Ў.Х. Мухамедов, М.З. Зиёдуллаев ва бошқ. Генерал-лейтенант

Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2017. – Б. 89.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори [.hppt//www.lex.uz](http://www.lex.uz)

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18-февраль “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш



аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган, ўзига хос йўналишларга эга бўлган янги тизим жорий этилиб, унга мувофиқ нотинч ва муаммоли оилаларга кўмаклашиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, ўларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш, ногирон аёлларга ёрдам кўрсатиш, маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш белгиланди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, профилактика инспектори лавозими бўйича – маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарига тенглаштирилиши айнан Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида уларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (26.03.2021 йил) ПФ-6196 сон фармони маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш тартибини белгилаб берди.

Хусусан, мазкур фармон билан қуйидаги тартиблар белгиланди:

- ички ишлар органларининг таянч пунктлари негида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилади;
- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий Гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;
- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади;
- профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш “Smart маҳалла” ахборот дастури асосида ташкил этилади;
- жойлардаги вилоят ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги



криминоген вазият юзасидан “профилактик огоҳлатирув мурожаат ” қилиб бориш амалиёти жорий этилади¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли Қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида Низом”и тасдиқланди. Мазкур фармон маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш, уларнинг асосий йўналишлари ва вазифаларини белгилаб бериш, профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси каби маҳаллада бевосита фаолият юритувчи тузилмаларининг ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Низомга асосан “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқлардаги жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашни ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади”, - деб тушунчаси берилган.

Масканнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- 1) маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш;
- 2) фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашни ташкил этиш;
- 3) аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;
- 4) маҳалланинг (қишлоқнинг) кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (29.11.2021 йил) ПФ-27-сон Фармони билан маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилиб ягона рўйхати ишлаб чиқилди. Фармони жамоат хавфсизлиги концепцияси қабул қилинди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Фармонда 2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (26.03.2021 йил) ПФ-6196 сон фармони//URL: <http://www.lex.uz>.



стратегиясини

2022 йилда амалга ошириш бўйича қабул қилинган йўл харитасида профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштиришга оид тадбирлар белгиланганлигининг ўзи алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айнан ушбу Фармон билан профилактика инспекторларининг ҳудуд ва хизмат билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этмаслик тартиби билан бирга уларнинг 22 та асосий вазифалари белгилаб берилди¹². Профилактика инспекторининг бириктирилган ҳудудда белгилаб берилган вазифаларини ижросини таъминлашда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг роли муҳим аҳамият касб этиб, айнан уларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни режалаштирилиши ташкил этилади.

ЎзР Президентининг ушбу қарорининг мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнидаги аҳамияти катта бўлиб, бу: *биринчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш ва уларда жавобгарлик ҳиссини шакллантиришда; *иккинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириб борилишида; *учинчидан*, ушбу соҳада ИИО билан бир қаторда прокуратура, миллий гвардия, ДХХ ва бошқа органларнинг роли ва масъулияти оширилишида; *тўртинчидан*, жамоатчилик тузилмалари фаолиятини ташкил этиш борасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ҳамда кенг жамоатчиликнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги намунали фаолиятини рағбатлантиришга доир янги тартиб жорий этилганида; *бешинчидан*, ПИларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу лавозимларни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланганида намоён бўлади¹³.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги (3.05.2018 йил) 322-сон қарори маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишда алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу қарор билан “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом” қабул қилинган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (29.11.2021 йил) ПФ-27-сон Фармони//URL: <http://www.lex.uz>.

¹³ *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 119.



етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартибини белгилайди¹⁴. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказлаштирилган ахборот тизимида жамлаш, ишлаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Мазкур қарордан келиб чиқиб, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида ушбу тоифадаги шахсларнинг таҳлили амалга оширилади ва ўз навбатида Ҳуқуқий статистика марказлари билан ахборот алмашуви йўлга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (26.04.2018 йил) 309-сон қарори маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этишда ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади. Хусусан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудудида аниқланган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни марказга жойлаштириш ва улар бўйича ахборот алмашувини йўлга қўйиш ҳамда жойлаштирилган шахслар бошқа маълумотлар олишда алоҳида аҳамият касб этади¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (8.01.2018 йил) 15-сон қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ролини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби белгиланган¹⁶. Таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган ҳамда юқори натижаларга эришган, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари рўйхатини мунтазам шакллантириб бориши ва уларни рағбатлантириш борасида раҳбариятга таклифлар киритишда ушбу қарорда белгилаб берилган қоидаларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (7.02.2017 йил) 60-сон қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятининг

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги (3.05.2018 йил) 322-сон қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (26.04.2018 йил) 309-сон қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (8.01.2018 йил) 15-сон қарори//URL: <http://www.lex.uz>.



ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шакли ва унинг низоми тасдиқланган¹⁷. Қарорда белгилаб берилган тартибда жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий ҳулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзида масъул шахс томонидан ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади. Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади. Расмий огоҳлантириш бланкасининг шакли икки қисмдан - фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат бўлади. Ушбу қарорда белгиланган тартиб қоидалар асосида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан яқка тартибдаги профилактик суҳбатлар амалга оширилиши, уларнинг таҳлил асосида аввалиги ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларини давом эттираётган шахсларга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилиб, уларнинг таҳлили олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (17.10.2019 йил) 880-сон қарор ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Республика ўқув-тарбия муассасалари тўғрисида низом асосида алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган болалар учун Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасининг мақоми, вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаб берилди¹⁸. Таъкидлаш лозимки, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани хизмат кўрсатиш ҳудудида ушбу тоифадаги болаларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари ташкил этиш жараёнлари айнан ушбу қарор ва тасдиқланган низомда белгилаб берилган қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари:

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича бугунги кунда алоҳида ИИВнинг буйруғи ишлаб чиқилмаган бўлсада, аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, бевосита профилактика инспектори ва таянч пунктлари фаолиятини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқлари талаблари асосида ишни ташкил этиш зарурати мавжуд. Чунончи, амалгдаги буйруқларда белгилаб берилган кўплаб вазифалар Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятига тааллуқли эканлигини кўриш мумкин.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (7.02.2017 йил) 60-сон қарори//URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (17.10.2019 йил) 880-сон қарор//URL: <http://www.lex.uz>.



Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг а борасида М.З.Зиёдуллаев: “ИИО ТПларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи ЎЗР ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари доираси ҳам кенг бўлиб, таҳлиллар уларда: ИИОнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, бу борада ҳамкорликни таъминлаш; ТПлари ва ПИларининг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, ТПлари негизида ҳамкорликни таъминлаш; МФЙларда ТП ПИларининг ҳисоботини эшитиш; вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш; ЖИЭМдан бўшатишган шахслар устидан ИИО маъмурий назоратини ўрнатиш ва амалга ошириш; алоҳида йўналишларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинган. Шунингдек, ТПнинг ушбу фаолият йўналиши ЎЗР ИИВ ва бошқа давлат ҳокимияти бошқарув органларининг бир қатор қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ҳам ҳуқуқий мустаҳкамланган бўлиб, улар ҳуқуқбузарлик фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ИИОга хабар қилиш тартиби, сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тартиби ва бошқа масалаларни ҳуқуқий белгилаб берган¹⁹,-деб таъкидлаб идоравий ҳужжатнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтган.

Дарҳақиқат, юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда, шу жумладан Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва профилактика инспектори ва унинг Миллий гвардия органлари, маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси билан ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этишда мукамал ва аниқ вазифаларни белгилаб берувчи, йўриқномавий бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 151-сонли буйруғида ички ишлар органлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактика бўлинмалари, уларнинг раҳбар ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишдаги ваколатлари, вазифалари, шу жумладан, профилактика инспекторининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш, уларда ҳужжатларни юритиш ва жиҳозлаш, моддий-техник таъминлаш тартиби белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу буйруқда таянч пункти фаолияти билан боғлиқ қуйидаги йўналишларда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этишни белгилаб олиш мумкин, *биринчидан*, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳужжатларни юритишни; *иккинчидан*, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида

¹⁹ *Зиёдуллаев М.З.* Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳуқуқий таъминлашнинг механизми ва истиқболлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 29-34.



профилактика инспекторининг Миллий гвардия органлари, соҳавий хизматлар ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишни; *учинчидан*, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан фаолиятни мувофиқлаштиришни; Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолияти таҳлил қилишни ва улар асосида ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўққиз ойлик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлашни.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сонли буйруғида тергов, тезкор-қидирув, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш. йўл ҳаракати хавфсизлиги, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, хавфсиз туризм ва транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида асосий вазифалари, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этишнинг асосий йўналишлари, усул ва шакллари белгилаб берилган. Демак ушбу буйруқ асосида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига хизматга жалб этилган ИИВнинг соҳавий хизмат ходимларининг фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 6 сентябрдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 193-сонли буйруғида кўрсатилган тартибда профилактика инспекторининг ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши ташкил этилади. Профилактика инспектори томонидан ҳисобот бериш жараёнида маҳалла фуқаролар йиғини раиси, фаоллари, худудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ички ишлар органларидан белгиланган раҳбар ходим иштирок этади. Ҳисобот жараёнида профилактика инспектори иштирокчиларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари, содир этилган жиноятлар, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар борасида маълумот беради. Демак, мазкур буйруқда белгиланган тартибда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини олдида профилактика инспектори масканда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳисобот бериши ташкил этилади.

Хулоса қиладиган, бўлсак ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва профилактика инспекторларининг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларсиз тасаффури этиб бўлмайди, улар асосида республика миқёсида иш юритишнинг бир ҳиллиги, аниқ бир йўналишларда ишни олиб борилиши ва қонунларга қатъий амал қилиниши таъминланади.